

## ИЧКИЛИКБОЗЛИК ЗАРАРЛИ ИЛЛАТ

Солиев Иқболжон Икромжон ўғли

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси 3-босқич  
“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти” йўналиши 317-гуруҳ  
курсанти*

**Аннотация:** *Ичкиликбозлик ва шу каби бир қанча зарарли иллатлардан сақланиш ҳар бир инсон соғлиғи ва саломатлиги учун муҳим омилдир. Инсон саломатлиги ва келажагига салбий таъсир қилувчи алкоголь маҳсулотлари ва уларнинг ҳуқуқбузарлик, жиноят содир этиш эҳтимоли юқори бўлган ҳолатларни олдини олиш ва уларга имкон бераётган шарт –шароитларни аниқлаш юзасидан бугунги кунда кўпгина тадбирлар амалга оширилмоқда.*

**Калит сўзлар:** *Ичкиликбозлик, соғлиқни сақлаш ташкилотлари, мастлик ҳолати, безорилик, жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, зарарли иллатлар, саломатлик, муҳим омиллар.*

**Annotation:** *Avoidance of alcoholism and several similar harmful diseases is an important factor for the health and well-being of every person. Today, many measures are being taken to prevent alcohol products that have a negative impact on human health and future, and to identify the conditions that enable them to commit offenses and crimes.*

**Key words:** *Alcoholism, health, drunkenness, violence, crime, delinquency, harmful vices, health, important factors.*

Ичкиликбозлик – бу тез-тез ва кўп миқдорда спиртли ичимликлар истеъмол қилиш туфайли пайдо бўладиган, унга кучли иштиёқ билан кечадиган, сурункали хасталик ҳисобланади. Бу ҳолат “бош оғриққа” эҳтиёж, шахнинг ўзига хос ўзгариши, соматик (ички) ва ижтимоий оқибатларга олиб келади. Бу зарарли иллатга олиб келувчи омил алкогольдир. Лекин касалликнинг пайдо бўлиши учун фақат алкогольнинг ўзи етарли бўлмай, ичкиликбозликнинг ривожланишида ижтимоий, психологик ва биологик омиллар қатнашади.

Ичкиликбозлик- ниҳоятта мураккаб ходиса сифатида эътироф этилади. Аҳолининг турли туман табақалари, ҳар хил касб соҳиблари, турлича ижтимоий мавқей ва моддий етарлилик даражасига эга, ўқимишли, саводсиз, турли ёш ва жинсга мансуб одамлар орасида спиртли ичимлик истеъмол қилишга барқарор моиллик мавжудлиги, мулоҳоза юритилаётган ижтимоий ходисанинг мураккаблиги ва рангпарвар кўринишларида

намоён бўлишдан далолат беради. Ичкиликбозлик термини спиртли ичимликларни суистъёмол қилишнинг инсон соғлиги, хулқ-атвори, лаёқати ва бошқалар билан мулоқот қилишга салбий таъсир ўтказадиган барча ҳолатларнинг ўз ичига мужассам этади. Сурункали ичкиликбозлик тушунчасига тиббий нуқтаи назардан таълкин қиладиган бўлса, ушбу ҳолат спиртли ичимликларни тез-тез ва хаддан ортиқ кўп миқдорда истемол қилиш туфайли пайдо бўлиб, ароққа паталогик жихатдан ружу кўйиш, яни касаллик аломати каби кечадиган сурункали хасталикни англатади.

Спиртли ичимлик жамиятимиз ҳаётига ижтимоий анъаналар ҳамда аксарият ҳолларда расмий, тадбирлар ва байрамларнинг элементи сифатида кириб келиб, мустахуам ўрнашиб қолди ва тассуфки, вақт ўтказиш усулларининг, айримлар учун эса мавжуд муаммоларнинг ҳал этишнинг ўзига ҳос воситасига айланиб қолди.

Соҳа мутахассисларининг фикрича ер юзида яшайдиган катта ёшли одамлар орасидаги ҳар ўнинчи киши сипиртли ичимликларни суистъёмол қилар экан. Ўз навбатида, спиртли ичимликларни мунтазам истемол қиладиган одамларнинг 6 – 7%и, бутун Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг хулосаларига қараганда пионистага айланиб қолмоқда.

Демакки, инсон хулқининг айнан шу шаклида оғиши оммавий бўлгани боис, жамият учун хавфли саналади. Юртимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб мазкур масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш давлатимиз сиёсатининг пировард мақсадидир.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг қарори, 22.01.2022 йилдаги 0020-22-сонли қарор
2. [sog'lom.uz](http://sog'lom.uz)
3. [xabar.uz](http://xabar.uz)
4. ИИВ ва ССВ нинг аҳоли саломатлигини асраш тўғрисидаги кўшма қарорлари тўплами.